

## Аллоҳ таолонинг ваъдаси ҳақ



17:00 / 16.02.2021 2274

### **«Мискинга ва йўқсил йўлчи»нинг ҳаққини ҳам адо эт.**

«Мискин» – ҳаёт ўтказишда моддий жиҳатдан қийналиб қолган камбағал одам.

«Йўқсил йўлчи» – ўз юртида бой-бадавлат бўлса ҳам, сафарда турли сабабларга кўра ночор иқтисодий ҳолга тушиб қолган шахс. Мана шу тоифадаги кишиларнинг ҳам бой-бадавлат мусулмоннинг молу мулкида Аллоҳ тайин қилган ҳаққи бор. Қуръони Карим бой-бадавлат кишиларга ота-она, қариндош, мискин ва кўчада қолганларга қўлларидаги молу мулкдан сарфлашни амр қилиш билан бирга:

«Исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйма», демоқда.



*Абу Айюб Ансорийдан ривоят қилинади:*

**«Бир аъробий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларини тўсиб:**

**«Менга жаннатга яқинлаштирадиган ва дўзахдан узоқлаштирадиган амалнинг хабарини беринг», - деди.**

**«Аллоҳга ибодат қиласан. Унга ҳеч нарсани ширк келтирмайсан. Намозни адо қиласан. Закотни берасан. Силаи раҳм қиласан», - дедилар».**

*Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.*

Бу ҳадиси шарифда силаи раҳм қилиш – қариндошлик алоқаларини яхшилаш иймон, намоз ва закот каби Ислом рукнлари билан бир даражага қўйилмоқда.

Бу амал кишини жаннатга киритадиган ва дўзахдан қутқарадиган амаллар рўйхатига киритилмоқда. Силаи раҳм қанчалар аҳамиятли амал эканини шундан ҳам тушуниб олсак бўлаверади.

مَلَسَ وَهِيَ لَعْنَةُ الْجَلِيلِ وَالْوَسْرُ نَأْوُ عُنُوجِ الْجَلِيلِ صَرَّهَ الْجَلِيلِ فِي صَرْهٍ رُيُوتِهِ بَابُ نَعِ  
أَدَّهَ تَلَاقٍ؟ هَمْ لَاقٍ فُحْخِرَ لَاتِمَاقُ هُنْمَ عَرَفَ أَمَلَفَ قَوْلَ الْجَلِيلِ لَاقٍ لَاقٍ  
كَلَصَوَّ نَمَلَصَأْ نَأْنِي صَرَّتْ أَلْأَلِاقِ، عَيْطِقُ لَانَم كَبِ دِيئِ الْعَلْمَاقِ  
عَرِيْرُهُ وَبِأَلِاقٍ مُثْ كَلْ كَلْ دَفْ لَاقٍ بَرَّايَ كَلْبُ تَلَاقٍ، كَعَطِقُ نَمَ عَطِقُ أَوْ  
صَرَّالِاقِ أَوْ دَسْفُتْ نَأْمُ تَلَوْتِ نَأْمُ تَلَوْتِ نَأْمُ تَلَوْتِ نَأْمُ تَلَوْتِ نَأْمُ تَلَوْتِ  
بَدَّالِاقِ يَفْ يَفْ رَأْحُ بَلْأَوْرُ مَكْمَاحُ رَأْ أَوْ عَطِقُ تَوَّ

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аллоҳ азза ва жалла махлуқотларни халқ қилди. Бас, ундан фориг бўлганида раҳм ўрнидан турди.**

**«Тўхта!» - деди У Зот.**

**«Бу - кесилишдан Сендан паноҳ сўровчининг мақомидир», - деди (раҳм).**

**«Сени боғлаганни боғлаб, кесганни кесишимдан рози бўласанми?» - деди У Зот.**

**«Ҳа, эй Роббим!» - деди у.**

**«Ана шу сенга бўлсин!» - деди У Зот».**

**Сўнгра Абу Ҳурайра:**

**«Агар истасангиз, «Эҳтимол, (иймондан) юз ўгирсангиз, ер юзида фасод қилиб, қариндошлик ришталарини узарсиз?!»ни ўқинг», - деди».**

*Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.*

Бу ҳадиси шарифдан қариндошлик ҳаққи қанчалар улуғ эканини билиб оламиз. Бу ҳақ Аллоҳ таоло Ўз махлуқотларини яратиб бўлиши билан собит бўлган ҳақлардан экан.

Аллоҳ таоло Ўзининг холиқлик сифати ила барча махлуқотларни яратган чоғдаёқ раҳм дарҳол ўрнидан туриб, қариндошлик алоқалари кесилишидан паноҳ сўраган экан. Ўшанда Аллоҳ таоло қариндошлик алоқасини боғлаганлар ила алоқа боғлашга ва уни кесганлардан алоқасини кесишга ваъда қилиб, уни рози этган экан.

Аллоҳ таолонинг ваъдаси ҳақ эканига заррача шубҳа йўқ. Бас, ҳар бир мўмин-мусулмон банда қариндошлик алоқасини яхшилаб боғлаб боришга ҳаракат қилиши лозим.

Ҳадисни ривоят қилувчи улуғ саҳобий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу бу ҳадис маъносининг тасдиғи Қуръони Каримда ҳам борлигини таъкидлаб, «Муҳаммад» сурасидаги оятни ўқиб кўришни тавсия қилган эканлар.

**«Бахтиёр оила» китобидан**